O'zbekiston Respublikasi
Toshkent shaxri
Mas'uliyati cheklangan
jamiyat shaklidag
ABS FINANS AUDIT
auditorlik tashkiloti

Республика Узбекистан
город Ташкент
Общество с ограниченной
ответственностью
ABS FINANS AUDIT
Аудиторская организация

Toshkent shaxri, M.Ulugbek tumani, Mustaqillik ko'chasi
42 uy, h/r 20208000604318185001 AKB "Agrobank", MFO 00394
INN 204943384, OKED 69202, Tel.: +99871 267-36-41,
+99890 325-92-61

Город Ташкент, М.Улугбекский район, улица Мустакиллик
дом 42, р/с 20208000604318185001 АКБ "Агробанк,
МФО 00394, ИНН 204943384, ОКЭД 69202, Тел.: +99871 267-36-41
+99890 325-92-61

№ 09 **Тошкент шахри**
25 – Февраль 2021й

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.

"ABS FINANS - AUDIT" MChJ шаклидаги аудиторлик ташкилоти юридик манзили: 100059, Тошкент шаҳар, Мустакиллик кўчаси 42уй, ҳисоб рақами: 2020 8000 6043 1818 5001 АТБ "Агробанк"нинг Бош офиси, банк коди: 00394, СТИР: 204 943 384, ОКЭД: 69202, 20.12.2007 йилдаги № 228 сонли реестр рақами билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2010 йил 4 январь куни берилган, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида "барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви"ни ўтказиш ҳуқуқини берувчи Серия АФ № 00580 сонли лицензиясига эга. «XALQ SUGURTA" ташкилоти томонидан 30.01.2020 йилда 0232922 сонли аудиторлик ташкилотини суғурталаш полиси берилган.

Мен **"ABS FINANS - AUDIT" MChJ** шаклидаги аудиторлик ташкилоти аудитори Узаков А. га Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йилнинг 09-июнида № 05492 сонли малака сертификати берилган бўлиб, 2022 йил 09-июнгача амал қилади.

Буюртмачи: "ОХАНГАРОН ДОН" АЖ
Манзили: Тошкент вилояти Охангарон шахри саноат худуди-1
Хизмат кўрсатувчи банки: ОАТБ "АГРОБАНК"нинг Охангарон булими , х/р: 2021 0000 9001 9120 8001, МФО: 00413, ИНН: 200 463 369, ОКПО: 00959731

2020 йил 22- Декабрдаги № 9/А сонли шартномага асосан **"ОХАНГАРОН ДОН" АЖ** нинг куйидаги молиявий хисоботлари мажбурий аудиторлик текширувидан утказилди:

Молиявий ҳисобот шакллари:
- Бухгалтерия баланси № 1 сонли шакл.
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот № 2 сонли шакл.
- Дебиторлик ва Кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома № 2а сонли шакл.
- Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи.
- Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши.

2020 йил 1- январидан 31 декабригача бўлган давридаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга

эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

Бизнинг фикримизча ҳўжалик юритувчи субъект **“ОХАНГАРОН ДОН” АЖ** нинг 2020 йил 1- январидан 31 декабригача бўлган даврдаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий ҳўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

“ABS FINANS – AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти раҳбари: **Саъдуллаев А.Б.**

Аудитор: **Узаков А.У.**